

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ, СОВЕТ ХАЛҚИ, УНИНГ ҚУРОЛЛИ КҮЧЛАРИНИНГ ШОНЛИ ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАРИНИ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ, ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МУДОФАА-ОММАВИЙ ИШНИ КҮЧАЙТИРИШ МУҲИМ ВАЗИФАДИР. СОВЕТ ҚИШИЛАРИ, АВВАЛО, ЕШЛАР ҲАРБИЙ ИШ ҚУНИКМАЛАРИНИ ЭГАЛЛАБ ОЛИШЛАРИ, СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ШАЙ БҮЛИШЛАРИ КЕРАК.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қароридан.

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

22 ИЮНЬ 1984 йил № 25 (2765) ЖУМА

Иброҳим РАҲИМ

У КУНЛАРНИ УНУТИБ БҮЛМАЙДИ



Европада социалистик мамлакатлар пайдо бўлиши ва уларнинг озод, эркин, фаровон ҳаёт кечирishi ҳам ўша буюк ғалабанинг меъасидир! Бу ғалаба социализм афзалликларини, унинг беқиёс имкониятларини тўла-тўқис намойиш этди, совет ҳарбий фани ва ҳарбий маҳоратининг ўс-тувганини, ҳарбий кадрларнинг стратегик раҳбарлиги ва жанговар омиликорлигининг юксак савиясини кўрсатди. Совет жангчилари мислсиз қўдратли намуналарини намойиш этдилар.

Совет халқининг буюк ватанпарварлиги ҳақида жуда кўп яхши асарлар яратилди. Шу жумладан, ўзбек адаблари ва санъаткорлари ҳам бу соҳада катта ижодий ютуқларга эришдилар. Аммо етарли даражада эмас. Биз ҳамон ўша йигирма миллион қурбонларнинг пок руҳи олдига қарздор бўлиб қолмакдамыз.

Уруш келтирган вайронлик ва қирғинлик, халқларнинг фашизм балосига қарши кўрсатган бениҳоя мардлик, паҳлавонлик жасоратини ёшларимиз яхши билишлари лозим. Уларга уруш ҳақиқатини рўйроқ гапириб бериш, уларни ота-боболари анъанасининг жанговар руҳида тарбиялаш — адабиётнинг жоманон вазифасидир.

Бу бйрламлик. Иккиламчи — Ғарбдаги сийбасатдорлик кичкин халқон урушидаги ғалабада СССРнинг бениҳоя катта ролини камситиб кўрсатмоқдалар ва Улуғ Ватан уруши сабақларини унутиб қўймоқдалар, янги уруш ҳақиқатини учун эфир бериб тавбёрламоқдалар.

Европада оғир ва завқли вазият юз берди. Уни Американи империализм билан агрессия НАТО урушқонлар келтириб чиқардилар. Европада улар ракета-ядро уруши ўчоғини тайёрладилар, «Першинг—22», «қанотли ракеталарини ўқлаб, Совет Иттифоқини ва социалистик мамлакатларга пўниси қилиб турибди. Бир сўз билан айтганда, империалистлар янги жаҳон уруши чиқармоқчи ниятда ядро қуролини ўқлаб яқинда ташқиладилар.

Улар 1941 йил 22 июнь ҳаётларини, 1945 йил 9 Май сабақларини унутмайдиган бўлсалар, уларнинг ҳам тақдирини ўша гитлерчи урушқонлар тақдиридай вай бўлиши ҳеч гап эмас!

Совет халқи Гитлер фашизми устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 40 йиллиги олдидан катта тавбёрлик ишларини бошлаб юборди. Улуғ ғалабанинг юбилейига тавбёрликни бутун ғоявий-тарбиявий ишчи кучайтиришга кўмаклашим керак.



Ўзбекистондан борган делегация вакиллари генерал Собир Раҳимов (ўртада) ва бошқа ўзбек жангчилари даррасида. 1943 йил 4 август.

ТАБАРРУК ЗАМИНДА ЯШАЙМИЗ!



ТЕЗ-ТЕЗ КЕЛИБ ТУРИНГЛАР

ТАБИАТ ОҒИЛ. Садақайрағоч Хоразмда илдидаларини чуқур отмай, атрофга панжа ташлайди. Илди чуқурроқ кетса, шўр сув уни қўриқиб қўяди. Хоразмнинг беҳад ҳосилдор ерлари республика территориясининг жуда оз қисмини ташкил этади. Лекин бу ерларда ҳар бир қарич тупроқда тоғдай чўчқ, залварли мейхат соғдилади. Ерни уч-тўрт юмалтуна экин экиб бўлмайди. Қўшн киша Хоразмнинг қафидан чиқиб-гандай, ёзда қафига тушаётгандай бўлади.

Июнь. Хоразмда кунлар қизибди. Ҳамманинг оёғи гулада, ҳамманинг кўзи гузанинг мурғак ниҳолида. Ҳозир уни айна парварши қиладиган пайт. Ғўза парваршидаги хоразмликлар ошпоқ қилиниб олганлар. Қўқ далада оқушлар юрғандек.

АВВАЛ хабар қилганимиздек, 12—17 июнь кунлари Хоразм ва Қорақалпоғистон АССРда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг республика ҳамда Ғақомпартия ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган кўчма секретариати бўлиб ўтди. Совет жақиятининг асосий ижтимоий-иқтисодий, маданият-мафкуравий тараққиёт йўналишларини белгилаб берган КПССнинг XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва июли кейин бўлиб ўтган Пленумларининг, аъза раҳбарининг Константин Устинович Черненконинг асос аҳамиятга эга йўл-йўриқларида қўйилганлиги совет адабиётининг халқчиллик, партиявийлик, ғоявий-бадий илҳомлилик, жанговар принциплари муқаддас эканлиги таъкидланди. Адабиётнинг демократик, жақият қурувчи-сини тарбиялаш ҳамда вояга етказишдаги роли улкан баҳоладди. Коммунистик партиянинг адабиёт ва санъат соҳасидаги кейинги йилларда қабул қилган қатор қарорлари худди шу масалага алоҳида урғу бериб қарайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар ташкилотининг кўчма секретариатлари — адабиётимиз, адбларимизнинг ҳаёт билан алоқаларини мустаҳкамлашнинг ўзини тўла оқлаган йўли бўлди. Қўҳна ва навқирон Амурдаё бўйларда бўлиб ўтган учрашувлар бунин яна бир қарра тасдиқлади.

Тутлар яна яшил бурнини кийган. Азамат, бу йил ҳам одамларга кўп хизмат қилди. 1984 йилнинг катта Ипақ хирмонларда унинг зўр улуши бор! Ҳозир наваб ғўза ниҳолига келган. Шунинг учун инсон унинг бошида меҳр билан энгашади. Хоразми лутғўй доирларимиздан бири ҳаёт устохонаси деб атаган. Чиройли, топиб айтилган таъриф. Хоразм сифатли пахтаси, сифатли ниҳолиси, сифатли гуручи, сифатли қовунлари, ер қозондаги онг қадимийлардан

ҳисобланмиш санъати билан машҳур. Хоразмнинг меҳнаткаш одамлари ҳам машҳур. Ёзувчилар область партия хирмонларида бўлган суҳбатда ҳам, ишчилар, деҳқонлар, меліораторлар, гидротехниклар, элдилар, ешлар билан учрашувларда ҳам бунга амин бўлдилар. Обком секретари олдидан қорвачилик, сабзавотчилик, мева етиштириш — умуман, Озиқ-овқат программасининг долзарб масалаларини сўйларкан, уларга республика ва Иттифоқ миқёсларидан келиб чи-

қиб баҳо беради, чамалайди, ўлчайди, режалар тузади, перспектив йўл, чора излайди. У ер-сув муаммолари, ишчи кучлари ресурслари ҳақида фикрлаганда ҳам, ёзувчиларни масаланинг қи. йинчилликларини, энг исозик томонларига олиб киради. Тақрибақор, ўз ишига гольда пухта, билмидон партия ходимлари билан суҳбатлар адбларга кўп нарсга беради. Уларга долзарб, бугун, эртанинги қилиниши сағур бўл-

Давоми учинчи бетда

АРХИТЕКТОРЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи праленесининг IX пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Тошкент шаҳар Бош плани институти директори, СССР Бадий академиясининг мухбир аъзоси Ф. Турсунов «Ўзбек совет архитектурасида анъана ва замонавийлик» мавзунда доклад қилди. Муҳомама этилган масала юзасидан «Ўзгипросельстрой» институтининг директори Ш. Ҳайдарова, «Ўзгипроарх» институтининг бош архитектори А. Алехин, архитектура докторлари М. Булатов, И. Ноткин ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Маданият бўлимининг инструктори А. Муҳаммад-жонов иштирок этди.

КОБИЛ МАРКАЗИДАГИ ДАРАХТ

Республикамизнинг барча театрлари катори Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри коллективини ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилган. Театр коллективини бу тўғра рус ёзувчиси Александр Прохановнинг «Кобил марказидаги дарахт» романи асосидаги инсценировкани сахнага қўймоқда. Инсценировка постановки режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Баҳодир ЙўЛДО-ШЕВ мухбиримизга янги сахна асарини ҳақида қўйидагиларни сўзлаб берди:


— Александр Проханов романи асосида сахналаштирилган бу инсценировкада Афғонистон Демократик Республикасининг бугунги кунини ҳақида ҳикоя қилади. Инсценировка асосида Совет Иттифоқидан Афғонистонга озми-овқат олиб бориш вояқаси ётади. Бу ишн амалга ошириш жараёнида совет кишилари ятта қийинчиликларга дуч келадилар. Аммо бари бар уларнинг интернационал бурчларига содиқ қолиб,

Озиқ-овқатни манзилда етказадилар. Бошқача қилиб айтсан, спектакль совет-афғон халқлари дўстлигининг раъми ҳайш музоини.

Асарни драматург Машраб Бобоев таржима қилган. Бош ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Тўйчи Орипов, Ёқуб Аҳмедов, Пўлат Саидқосимов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Толиб Каримов, Гулчеҳра Жамилова ва бошқа актёрлар ижро этишмоқда. Саҳна беақларини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Георгий Брнч ишламоқда.

Сирдарё районининг Абдали номидаги совхоз деҳқонлари Ўзбекистон ССР ҳамда республика Компартиясининг шонли 60 йиллиги юбилейи нишонланадиган йилда пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Совхоз пахтакорлари қўнқ ерларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта етиштиришга сўз беришган.

СУРАТЛАРДА: даладада ғўза қатор оларарига ичлов берилмоқда. Совхознинг илгор механизатори Саъдикул Шерматов.



А. ТУРАЕВ фотолари

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР «КЎҚОН ШАМОЛИНИ ҚАЙТАРИБ БҮЛАДИМИ?»

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълол қилинган «Кўқон шамолини қайтариб бўладими?» ва «Айб фақат шамолданми?» мақолаларида долзарб масала кўтарилган. Ушбу мақолалар билан Совети ижрония комитети йилгилишда муҳоама қилиниди ва кўтарилган масалаларни атрофлича ўрганиб чиқиб учун ўрмон хўжалиги ходимлари ва «Ўзгипрозем» лойиҳа институтини вакиллари иштирокда комиссия тузилди.

С. АХМАДҚУЛОВ, Фаргона област ижрония комитети раъсининг ўринбосари

Редакцияга Тошкент область, Бекобод район «Коммунизм» қолхозида истиқомат қилувчи М. Дўстмуродовдан мактуб келган эди. Мактубда ёзилшича, М. Дўстмуродов 10 синфини тугатганда ота-ониси оламдан ўтишган. Икки умасининг тарбияси, ўқини унинг элимасида қолган. Мухтор ёшлигидан санъатга жуда қизиққан. Унинг бирдан бир орауси А. Островский номида театр ва рассомлик санъати институтига кириб ўқиш эди. Аммо оилавий шароит, укаларининг тақдирини ўй-

Хурмагли М. Дўстмуродов! Театр ва рассомлик санъати институтига кириб ўқишни оруз қилибсиз. Биз орузиниғизга тилақдошимиз. Сизда қундузги бўлимда ўқиш имкониятин йўқ экан, Бизнинг институтида сирдан ўқиш учун актёрлик бўлими бор. Бу бўлимга кўпроқ театрларда ишловчи актёрлар ўқишга қабул қилинади. Яна шунини ҳам айтиш лозимки, 1984 йилда сирти бўлимда драма театри мутахассислиги эмас, балки кўнғирчоқ театри актёрлиги бўлими, белгуси йилда эса драма театри актёрлиги бўлими иш олиб боради. Музикали драмага лаёқат бўлган ёшлар ҳам шу бўлимга қабул қилинади.

Н. Абдураҳмонованинги шикоят хатига ёзилган фактлар асосан тўғри эканлиги тасдиқланди. Ю. Фучик номидаги совхоз алоқа бўлимида газета ва журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиш ишлари чиндан ҳам қонқарли бўлмаган. Совхоз ишчиларига газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун ушбу алоқа бўлимининг бошлиғи ва почтальонлар жиддий оғоҳлангиларди. Қундалик матбуотни эгаларига вақтида етказиб бериш чораларини кўриди. Орадан бир неча кун ўтгач, иккинчи марта текшириш ўтказилганда қўҳна уйлارга почта қўтилари ўрнатилганлиги, совхоз ишчиларига газета ва журналларни етказиб бериш яқин йўлга қўйилганлиги, почтальонлар масъулиятини ҳис этиб ишлаётганлари тасдиқланди.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Жиззах област, Арнасой район Ю. Фучик номидаги совхоз ишчиси Н. Абдураҳмонов бери гуруҳ совхоз ишчилари номидан редакцияга хат йўллаб, улар қундалик газета ва журналларини ўз вақтида ололмаётганликларидан шикоят қилган эди. Редакция ушбу шикоят хатини Ўзбекистон Компар-

тияси Арнасой район комитети эътиборига ҳавола қилиб, обуначиларга хизматни яқинлаш чораларини кўриш лозимлигини илтимос қилган эди. Редакция Ўзбекистон Компартияси Арнасой район комитетининг секретари М. Нишонов имзоси билан қўйидаги мазмунда хат олди: Арнасой район партия Комитети секретари

В. ОВЕЧКИНИНГ 80 ЯИЛЛИГИ

ҲАҚИҚАТГА САДОҚАТ

«Бизда якка-юкка ҳақиқат бор. У ҳам бўлса, коммунизм ҳақидаги ҳақиқатдир. Бу — коммунизм кураётган партиямиз, буюк, умуминсоний ишларимиз ҳақиқатидир» деган эди В. Овечкин. Адиб умрининг охиригача ана шу ҳақиқатга ишонч билан яшайди ва ижод қилди.



1956 йили «Сертташвиш баҳор» очеркларидан бири бўлиб, бу очеркларда 50-йиллардаги қишлоқ ҳаёти ҳақидаги хизмат қилган. «Раёнингнинг оддий кунлари», 1953 йили «Олднинг сафда» ва «Яна ўша районда», 1954 йили «Ўз қўлимиз билан».

асардир. Очерк колхоз партия ташкилотларида, китобхоналар конференцияларида кенг муҳокама қилинди. У мамлакат қишлоқ хўжалигини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Юсуф ҲАМДАМОВ, ТошДУ ўқитувчиси



ПАРТИЗАНЛАР

Қизил лента теллакларида Партизанлар чиқди ўрмондан. Ҳеч белги йўқ баъзиларида, Яқинлашди бизга ҳар бидан. Қўл узатиб кўришди илди, Қайси бири қўчоқлаб кетди, Гармон чади бириси келиб, Ғани-қулги мет-ёрга етди.

ПОЕЗДА

(1943 йил 6 ноябрь кечаси) Вагонларни бекитган шохлар Кеч кирганида оляб ташланди. Поезд жинди. Дод-вой, оҳ-воҳлар Ва нингидан кўлар ёшланди.

Александр ТВАРДОВСКИЙ

В. В. ОВЕЧКИН

Унинг колхоз қишлоғи турмушидан ёзилган очерк ва қиссалар урушдан бурунги йиллардаёқ диққатни тортган эди. Улар асослиги — авторнинг ҳаёт материалини бошқалардан эшитиб эмас, балки ўзи чуқур билиши ва ифоданинг ҳаққонийлиги, воқелиқнинг белле-тристик нуҳасига ўхшамаслиги жиҳатидан ажралиб турарди. Бироқ Овечкин — 1952 йили «Новий мир» да эълон қилинган «Раёнингнинг оддий кунлари» очерки чинакамига катта шухрат ва эътироф келтирди. Қишлоқ мавзудаги «чоргоқина бу очерк адабиётимизда бундай аҳамиятга эга бўлиб қолди. Очеркда ўша йиллари қишлоқ хўжалигида ҳукм сурган аҳвол, колхозларга раҳбарлик қилиш методларида қатъий ўзгаришлар зарурлиги ҳақида илмий адибнинг ташвишли сўзи биринчи марта кутулган жасорат билан янгради.

жиҳатидан у билан тенглаша олмас эди.

«Раёнингнинг оддий кунлари» Валентин Овечкиннинг шу ном остида бирлашган катта очерклар туркумининг ибтисоди бўлди. Туркум шу жанрда ижод қилувчи истеъдодли адибларнинг бутун бир плеядасига самарали таъсир кўрсатди, ўшандан бундан охирига адибларимиз асарлари адабиётимизда тобора кучлироқ эътибор топиб бормоқда.

«Биз «Раёнингнинг оддий кунлари»ни ёзувчининг «асосий китоби» деб ҳисоблашга ҳақликим. Шакл-шубҳасиз, уни совет адабиёти тарихи ҳеч қачон четлаб ўтмайди. Валентин Овечкин пойтахтга хос адиблар тиғидан эмас эди. Шундай дер оқман, турган гапни. Москвада ва мамлакатнинг бошқа пойтахтларида яшовчи ҳамма-аммасан. У таниқли ёзувчи сифатида эътироф этилганда ҳам каттариб бораётган оиласи билан, худди ёшлигдайдек, ҳар қандай мустақкам бўл «Утроклик»ни бўйнига олмай бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, асосан ўрта кенгликдаги ҳамда жанубда-

ги деҳқончилик районлари ва шаҳарларида яшади. Урушни урушда сиёсий раҳбар, кейин армия журналисти сифатида ўтказди. Ўшда эрда «Фронт» салони билан «Фронт» китобини ёзди. Ошқича жимжамдорликдан холи бу китобда ўша пайтлардаёқ урушдан кейинги колхоз қишлоғи ривожланишининг йўллари ҳақида публицистик чўрткесарлик билан юрагини даъво қилди.


Соғлиги ёмонлашган Валентин Овечкин умрининг сўнгги йилларида Тошкентда яшаб, ижод этди. Ҳамма вақт, касаллигига қарамасдан, «Новий мир»нинг таҳрир хайъати аъзоллиги вази-расига жуда сиқилдилик билан муносабатда бўлиб ўнла хўжалиқ материалларидаги исботан ўз вақтида фикрини билдирган эди.

Бевақт ўлим уни Ўзбекистондаги машҳур «Политотдел» колхозига бағишланган катта асарга тайёргарлик ишлари олиб бораётган пайтда орамиздан олиб кетди. Бу хўжалик ҳақида у мактубларида ҳақон билан ёзарди...

С. МАҲМУД таржимаси

Сўнгги йилларда Иттифоқимизда олий ўқув юрларида таржима назарияси ва амалиёти курсини ўқитишни яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Уқув-педагогика нашриётларида таржима назарияси ва амалиётига доир дарслик, қўлланма ва программаларни нашр қилиш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу ишда республикамиздаги «Ўқитувчи» нашриётининг ҳам ҳиссаси бор. Яқинда нашриёт таржимашунос олим ва педагог Габулла Саломовнинг «Таржима назарияси асослари» китобини чоп этди. Мазкур қўлланма авторнинг олдидан асар — «Таржима назариясига кириш» дарслигининг давоми-дир.

ТАДҚИҚОТНИНГ ДАВОМИ



олимларнинг Герб фалсафасига кўрсатган таъсири масалаларини далиллар асосида ёритади. Алишер Навоий ва Христофор Армачий, Ҳофиз ва Гете, марксизм-ленинизм классиклари таржима ҳақида, В. И. Ленин ва таржима масалалари каби мавзулар олимнинг олдидан илмий китобларида учраса-да, мазкур қўлланмада янада кенгроқ баён қилинган.

ЯХШИ ТАШАББУС

«Еш гвардия» нашриёти чоп этган «Оймомада аждарҳо» номида сехрли-фантастик эртаклар тўпламини ўқиб чиқдим. Тўплам фольклорчи олим Малик Муродов билан ёзувчи Ҳожиқабар Шайхов тайёрлаган.

дир. Фольклор бола юрағида сўлмас ҳайрат гулларини ўстириши керак. Менинча, мактаб программаларига фольклор намуналари кўпроқ шу нуқта назардан кiritилиши керак. Афсуски, телевидениеда «Эртан хузурда меҳмонда» кўрсатувида намойиш этилган кўпгина сюжетлар маъмулан саёз. Нима учун нашриётларимиз мактаб болалари учун гўзал ҳалқ эртакларини оммивий тиражда нашр қилмайди. Ўрта ўрта-чи шеърини панду насихатидан кўра битта ҳалқ эртаги болага кўпроқ маънавий озик беради. Хўш, бошқа омишлар билан бирга, инсонда ҳайрат туйғусини тарбиялашда фольклорнинг аҳамияти катта экан, унга муносабат қандай? Нега бу ажойиб хазинага эътибор кучли эмас? Нега ўнлаб унвонли фольклорчиларимиз бу бекиёс бойлиқнинг ҳозирги кундаги тарбиявий аҳамиятини содда, лўнда қилиб ташвиқ этмайдилар. Фольклор.

шунос кадрлар ҳалқ асарларини тўплашда, нашр этишда собит бўлмоқлари керак. Бой меросдан фақат унвонли бўлганларча фойдаланиб, кейин бу ишдан қўл силтамасликлар даркор. Фольклоршуносларимизнинг Ҳоди Зариф, Буюк Каримов, Мансур Афзалов каби эъборат авлоди халқдан битмас-туганмас хазина ёзиб олиб, қолдириб кетганлар.

моллаштириш сингари ҳодисалар адабий-илмий метод асосида таҳлил этилганга, реал хулосалар чиқарилганга гувоҳ бўламиз.

Бирок, китобда барча мавзулар ҳам чуқур ёрилган, деб бўлмайди. Масалан, бизнингча, бадий таржимада миллийлаштириш, классик аруздан қиёсий системача ўтиш, тожик-ўзбек адибий ҳамкорлигида таржима баҳси каби мавзулар анча қисқа ва саёз ёрилган.

Ўзбек таржимашунослигида Гербил Европа адабиётларидан ўзбек тилига таржима қилинган Мазрий принциплари бир қанча олимларимизнинг илмий-тадқиқотларида тадқиқ этилган. Ленин, негидир, габр тилларини таржима этилган асарларини кузатаётганда олим ҳаммаёс таржимашуносларнинг фикрларини эътиборда тутмаган.

Таниқли таржимашунос Габулла Саломовнинг бу китоби, айрим бахтсиз ўқилганда қатъий назар, республикамизда олий ўқув юрларида таржима назарияси ва амалиётидан саёз беришда зарур дастуриламалдир.

Мухаммадҷон ХОЛБЕКОВ, филология фанлари кандидати Самарқанд

Дугоналар С. МАҲКАМОВ фотоси



Жангчи шоир Тўра Жуман Қашқадарё области, Шахрисабз район, Мирочи қишлоқ Советидаги Фуқрат номидаги 36-ўрта мактабда ўқитувчи. У 1942—1944 йилларда Воронеж, Курск ва Киев фронтларида жанг қилди. Тўра Жуман жангдаги жасорати учун жаңговар «Қизил Байроқ» ордени ва бир қанча медаллар билан мунофотланган.

Тўра Жуман урушда тўрт марта ярадор бўлган. У III гуруҳа уруш инвалиди. Унинг уруш ва тинчлик темасидаги шеърлари 1948 йилдан бунён республика газета-журналларида ёритилмоқда.



«ҚИЗЛИК ФУРУРИ»

Газетамизнинг шу йил 15 июнь сонида Тошкент Халқ хўжалиғи институти доценти Ўлмас Жалоловнинг «Қизлик фурури» номида мақола берилган эди. Шу мақола муносабат билан редакция газетонлардан қўллаб қувватлар олди. Қўйда ана шу хатларнинг айримларида сатрлар билан ташвиқ.

Севимли газетамиз «Ўзбекистон адабиёти ва саънати»да «Инсон, оила ва ахлоқ» рубрикаси остидаги доцент Ўлмас Жалоловнинг «Қизлик фурури» сарлавҳали мақола-сида ҳамманинг диққатга тал-тал топиб ёзилган. Афсуски, мана шундай мавзудани жиқдий чиқаришни энгилла қизлар ўқимайди. лар. Шунинг учун ҳам баъзида, нега шундайларга нисбатан жаҳо чоралари қўрилмайди, деб ачинаиб кетасан киши.

Биз бу мақолада айтилган фикрларга тўла қўшилиш билан бирга, қизларнинг, умуман ёшларимизнинг киёиний маданияти ҳақида ҳам ибратли материал берилса, деб илтимос қилардик.

Лола АЪЗАМОВА, Муъсар АЗИЗОВА Тошкент

Бир газетхон сифатида, қолаверса, янги инсонни тарбияловчи масъул одам сифатида айрим мулоҳазаларини билдирмоқчиман. Мақола авторни жуда ўрнли фикрларни ўртага ташлаган. Тўра, хотин-қизларга хос энг ноёб фаизлатларни оёқ ости қилганларни қонун йўли билан жазолаш қўзда тутилган. Бироқ бундай одамларни ҳаётнинг ўзи, албатта, жазолаши турган гап.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Қўлдан бунён Ўзбекистон телевидениеси программаларида ахлоқий мавзуларга бағишланган махсус кўрсатувларга кўнимиз тушмайди. Тўра, «Оталар сўзи — ақлнинг қўзи», «Баҳс» кўрсатувларида озми-қўпми бу мавзу тила олинди. Бизнингча, бу етарли эмас. Мунтазам бериладиган кўрсатувлар ташкил этиш керак.

Жўракул ҲАКИМОВ Тошкент

Бизнинг орамизда шундай одамлар ҳам борки, уларчандик ва тортиқчиликни лапашанлик, замондан ортда қолиш, деб ҳисоблашди. Ҳатто қўпичча ўқинча, тушунган одамлар ҳам шундай фикрда бўладилар.

Менинча, қизларнинг, умуман ёшларининг одоб-ахлоқ ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришда аввало ота-она, қолаверса, мактаб ўқитувчиларининг роли жуда катта. Баъзан ўқитувчиларнинг ўзлари ҳалдан эътиб-зейинатга эътибор бериб, ранг-баранг киёиний мактабга келадилар ёки даргда чекни ўтқиздилар. Буларнинг қўлида тарбияланган ўқувчилар қандай бўлади?

Шоҳида ЎРОЛОВА Тошкент области

Ёшларнинг тарбиясида салбий хусусиятларнинг қўлайишга, аввало, ота-оналар сабаби, деб ўйлайман. Чунки фарзандлар уларнинг кўз ўнгига намол топади, шакллана боради. Албатта, улар баъзан «Болам ҳали ёш, майли, ўймасин», деб ўзларига қўйиб беришади. Лекин бу қўйилганлик кейин ёмон оқибатларга олиб келиши, «тарки одад—амримаҳол» деганларидек, фарзандларининг ёмон қилиқларга ўрганиб қолиши наҳотки уларни ўйлантирмаса?

Аюбхон ХҲҲАЕВ Самарқанд

Дугоналарим мени бир ўтиришга таклиф этишди. Табиийки, мен ўтиришимни нима муносабат билан уюштирилаётгани, у ерда яна қиллар бўлиши билан қизиқдим. Шунда улар «Борганинда, билсан», деб жаов беришди. Лекин мен бормадим. Дугоналарим эса, мени маданиятсиз, замондан орқада қолган, деб айблади.

Кейинчалик, ана шу дугоналаримдан бирининг турмуши бундай кетди. Шунда мен булар энгилтаклик оқибатлари эканини айтмоқчи бўлдим. Ўзининг ҳам изтироб ченаётганини қўриб илдимадим.

Сохта замонавийлик деб кейинчалик бахтини бой бериб қўйиш қизларимиз бундай масалаларни чуқур ўйлаб кўришларини истардим. Зарифа ЛОМИДЗЕ Наманган

